

**ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ**

*Шухрат Узаков ва Хайдаров Баҳриддин*  
*Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши*  
*ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчилари*  
*Телефон: +998 97 386 00 85*  
*e-mail: shuhratuzakov629@gmail.com*

**Аннотация.** Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Айниқса меҳнат қонунчилигини жиддий ўзгариши, аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожланганлигининг далолатидир. Мақолада ушбу соҳанинг муҳим жиҳатлари ҳақида ва соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида сўз боради.

Бизга маълумки, меҳнат қонунчилиги тарафлар ўртасида вужудга келадиган шартномавий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Мазкур тушунчалар адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам белгилаб ўтилган. Мақолада меҳнат муносабатларида вужудга келадиган хизмат текшируви институтининг ривожлантиришга таклиф бериб ўтилган. Шунингдек, ушбу соҳасида юзага келаятган муаммоларни очиб бериш ва унинг ечими ҳам муҳокама қилинган. Хулосада хизмат текшируви институтини ривожлантиришда биринчи навбатда меҳнат ҳуқуқи соҳасини тартибга солиш юзасидан аниқ ва мақсадли ишлар олиб борилиши зарурлиги ҳақида хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** иш берувчи, ходим, Меҳнат кодекси, хизмат текшируви, меҳнат қилиш ҳуқуқи, қонунчилик, таклифлар.

**A SERVICE INSPECTION INSTITUTE WAS INTRODUCED**

**Shuxrat Uzakov**

Master of the Higher School of Judges under the  
Supreme Council of Judges of the  
Republic of Uzbekistan  
+998 97 386 00 85  
e-mail: [shuhratuzakov629@gmail.com](mailto:shuhratuzakov629@gmail.com)

**Annotation.** Today, the legal field is developing rapidly. Especially the serious change of labor legislation is a sign of the development of the legal consciousness and culture of the population. The article talks about the important aspects of this field and

about the positive work that is being done in the field.

As we know, labor legislation is a form of contractual relations between the parties and is one of the important areas. These concepts are defined in the literature and normative legal documents. The article proposes the development of the service inspection institute that arises in labor relations. It was also discussed to reveal the problems arising in this field and to solve them. In the conclusion, it was concluded that in the development of the service inspection institute, first of all, it is necessary to carry out specific and targeted work on the regulation of the field of labor law.

**Keywords:** employer, employee, Labor Code, service inspection, right to work, legislation, proposals.

## **ВВЕДЕН ИНСТИТУТ СЕРВИСНОЙ ИНСПЕКЦИИ**

**Хайдаров Бахриддин и Шухрат Узак**  
Магистр Высшей школы судей при Верховном  
Совете судей Республики Узбекистан.  
Телефон: +998 97 386 00 85  
e-mail: shuhratuzakov629@gmail.com

**Аннотация.** Сегодня правовое поле стремительно развивается. Тем более серьезное изменение трудового законодательства является признаком развития правового сознания и культуры населения. В статье говорится о важных аспектах этой области и о той позитивной работе, которая ведется в этой сфере.

Как известно, трудовое законодательство представляет собой форму договорных отношений между сторонами и является одним из важных направлений. Эти понятия определены в литературе и нормативных правовых документах. В статье предлагается развитие института служебной проверки, возникающего в трудовых отношениях. Также обсуждалось выявление проблем, возникающих в этой сфере, и их решение. В заключении сделан вывод, что в развитии института служебной инспекции, прежде всего, необходимо провести конкретную и целенаправленную работу по регулированию сферы трудового права.

**Ключевые слова:** работодатель, работник, Трудовой кодекс, сервисная инспекция, право на труд, законодательство, предложения.

### **Кириш.**

Янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида

ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>” деб белгилаб ўтилган.

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, меҳнат қилиш ҳар бир шахснинг эркин ҳуқуқдир. Шунингдек, меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланади.

### **Тадқиқот ва методлар.**

Бугунги кунда қонунчилигимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Аксарият нормативларга ўзгаришлар киритилаётган бўлса, баъзилари бутунлай янги таҳрирда қабул қилинмоқда.

Шундай қонун ҳужжати доирасига 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси<sup>2</sup>дир.

Ушбу кодекснинг ўзига хос хусусияти шуки, иш берувчи ва ходим ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган барча муносабатларни тартибга солиб берди ҳамда янги институтлар жорий этилди. Масалан, хизмат текшируви институти жорий қилинди.

Биринчи навбатда, ушбу институтни жорий этилишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлашдан олдин, ушбу институт аслида нима эканлигини тушуниб олишимиз лозим.

Хизмат текшируви бу - ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир деб кодекс<sup>2</sup>да белгилаб ўтилган.

Интизомий жазолар ходимни унга юклатилган меҳнат мажбуриятларини ноҳўя хатти-ҳаракати туфайли бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармаслиги (ички тартиб қоидалари, мансаб йўриқномалари, низомлар, иш берувчининг қонуний буйруқлари, техник қоидаларни бузиш ва ҳоказо) сабабли қўлланиши мумкин.

Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, ходимнинг бевосита раҳбарининг билдиргиси, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳамда ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос берадиган бошқа маълумотлар асос бўлади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 42-модда// <https://old.lex.uz/docs/6445145>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси назарда тутилмоқда. Муаллиф.

Иш берувчи хизмат текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходим иш берувчининг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги буйруғи ҳамда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан имзо қўйдириб таништирилиши керак.

Хизмат текшируви ўтказиш учун иш берувчининг буйруғи билан хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия тузилади<sup>3</sup>.

Хизмат текширувини ўтказишга махсус билимлар соҳасида маслаҳат олиш учун шартнома асосида экспертлар сифатида мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Шунингдек, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходим комиссиянинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан яқка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

Ходим ўз шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза иш берувчига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходим тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда комиссия аъзосини рад этиш тўғрисида ёзма шаклда арз қилишга ҳақли.

Комиссия аъзосини рад этиш асосланган бўлиши керак ва комиссия хизмат текшируви натижалари ҳақида далолатнома қабул қилгунига қадар хизмат текширувининг ҳар қандай босқичида арз қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги ариза хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган иш берувчига берилади.

Хизмат текширувини ўтказиш муддати **ўн беш иш** кунидан ошмаслиги керак. Хизмат текширувини белгиланган муддатда, объектив сабабларга кўра тугаллаш мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, иш берувчи комиссиянинг асослантирилган вазлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақлидир.

Агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга ҳақли. Ходимни ишдан четлаштириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва буйруқ ўзига нисбатан

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 304-моддаси

хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг эътиборига имзо қўйдириб етказилади. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганлиги сабабли ишдан четлаштирилган ходимга ишдан четлаштиришнинг бутун даври учун ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома тегишли қарорни қабул қилиш учун овоз берган комиссия аъзолари томонидан имзоланиши керак. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги қарордан рози бўлмаган комиссия аъзоси хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир.

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хулосалар шакллантирилган бўлиши керак. Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмишлар содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида ходимнинг интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўқ эканлиги аниқланса, хизмат текширувининг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун ходимнинг шаънига, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

Агар хизмат текшируви натижалари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят аломатлари аниқланса, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномада текширув материалларини тегишли давлат органларига юбориш ҳақидаги таклифлар кўрсатилади.

Махсус интизомий жавобгарликка тортиладиган ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунда, шунингдек

интизом тўғрисидаги уставлар ва низомларда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 20.11.2023 йилдаги 26-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги<sup>4</sup> Қарорининг 30-бандида Меҳнат шартномасини МК 161-моддаси иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандлари бўйича бекор қилиш интизомий жазо чораси эканлиги юзасидан тушунтириш берилган.

Меҳнат кодексининг 314-моддасига асосан Интизомий жазо интизомий қилмиш аниқланганидан кейин дарҳол, бироқ аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади, бунда ходим вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган ёки таътилда бўлган давр ҳисобга олинмайди. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия томонидан имзоланган кун хизмат текшируви натижалари бўйича аниқланган интизомий қилмиш аниқланган кун деб ҳисобланади.

### **Хулоса.**

Хулоса қилиб айтганда, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш учун хизмат текшируви ўтказилиши лозим бўлади.

Хизмат текшируви яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари — меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш, меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 20.11.2023 йилдаги 26-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори
4. Lex.uz.

<sup>4</sup> <https://old.lex.uz/docs/6684613>